

Ирландияда машхур бўлган исм



14:31 / 09.03.2023 1863

2022 йил Ирландиянинг Галуэй шаҳрида янги туғилган чақалоқлар орасида энг машхур исм Муҳаммад бўлди. Бу ҳақда islam-portal.ru манбаси хабар берди.

Авваллари ушбу шаҳарда Лиам ва Майкл исмлари кўп эди, аммо 2022 йил охирига келиб, Муҳаммад исми бошқа исмларга қараганда кўпроқ бўлди.

Имом Иброҳим Нунаннинг сўзларига кўра, Галуэй шаҳрида ҳар хил дин ва миллат вакиллари бўлиб, мусулмонлар сони муттасил ортиб бормоқда. Бу ерда истиқомат қилувчи мусулмонлар тинч, меҳрибон ва эътиборли одамлардир.